

Мухаммад Юсуф Мухаммад Ёкуб ўгли Чокар 1889 йил Хива шахрида тугилди ва ўша ернинг мактаб ва мадрасаларида тахсил олди. Чокарнинг дадаси Мухаммад Ёкуб Харрот Хоразмда жуда машхур машшок бўлган. Айниқса классик куйларни гоят марокли ижро қилган. У, адабиёт билан ҳам кизиқиб, бўлажак шоир, композитор ўгли Юсуфнинг тарбиясига алоҳида аҳамият берди. Натижада Чокар жуда ёшлиқдан санъат ва адабиёт билан кизикади. Ўзбек ва шарқ классик шоирлари ижодини хавас билан ўрганади ва ёш вақтидан бошлаб ижод қила бошлайди.

Чокар ўзбек классик адабиёти намояндаларининг илгор фикр-туйгуларини давом қилдирди. У, демократ шоир Аваз Утар билан замондош ва яқин дўст бўлган.

Чокарнинг ташаббуси билан Хивада мусика техникуми — интернат ташкил этилади. Чокар унинг директори бўлади ва дарс беради. Ўша йиллари Чокар Хоразм халқ музыкаси ва классик куйлар асосида иккита асар ёзади. Унинг «Кискача Хоразм музыка тарихи» асари 1925 йилда Москвада нашр этилди. Кейин Чокар Самарканд ва Тошкентда ишлайди. Чокар «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони соҳибидир. У 1952 йилда Тошкентда вафот этди.

Куйида келтирилган намуналар Шарқшунослик институтидаги Чокарнинг ўзи томонидан ёзилган девонидан ва «Югурум» тўпламидан олинди.

ГАЗАЛЛАР

Эйки, сизлар қилдингизлар мулку миллатни хароб,
Айлади бечоралар багрин ситам ўти кабоб.

Жохилу нодонлар ўрнидур таайюш маснади,
Бўлди доноларни жойи гам била зери туроб.

Чора бечора тилоса, пора сипохи тилар,
Мулла бир ёндин ижорасин сўраб бергай азоб.

Мактаб очмай халқ учун, раис тонгуб таъзир урар,
Келса дехкон бозора намозликни сўроб,

Халк боласин кўймак ўглон—борму ислом динида,
Анбиё ворислари бу ишга бермишлар жавоб.

Тарёку кўкнору банг муллолара бўлмиш халол,
Халк чилим чекса харом деб раис айлаб ихтисоб.

Муллага: «пешинг узун» демак хакоратмиш билинг,
Харна иш кил, бер садака, дегуси, топдинг савоб.

Орифи пашмина пўш илмас кўзинга халкни,
Харки бўлса тоза жуллик хурмат ахлидин ҳисоб.

Ўртадин унган пул бузук ўглон, харамлар масрифиди,
Бор аларда шул сабабдин ховли, бог неча таноб.

Жахлу гафлат кечасида ўткусидур умримиз,
Маърифат нурунинг сол бизларга ҳам, эй офтоб.

Мулку миллат, вах, нечук тапгай тараккий, Чокаро,
Бўлсалар иш бошида зулм ахли ошуби давоб.

* * *

Кўбдур ушбу жахон ичра фузало,
Хайфким, бўлмиш алардин вале авло жухало.

Жухало хайли агар топса бу янглиг иззат,
Вах, нечук кечгусидур дахр аро холи укало.

Укало хизматига богла белингни махкам,
Хосил ўлгай сенга бу йўл аро касби кумало.

Кумало хайлига лозим килибон юрта дуо,
Билса дахр аро не дур вузароу вукало.

Вукалоу вузароларга муносибдур бу,
Айламай зулм раоёгани бўлмок удало.

Удало бўлса киши, рози бўлуб ондин хак,
Келмагай чархдин харгиз они бошига бало.

Амният жойи эмасдур бу жахон, эй Чокар,
Эртарок айласанг эмди хуш эрур азми жало.

* * *

Охким, хардам насибамни фирок этди фалак,
Зулм ила ул нозанинимдин йирок этди фалак.

Бир париваш ишкига мафтуни зор айлаб мани,
Фуркат ўтига бу жоним ихтирок этди фалак.

Ишк элига гўйё килмоқда жавр ила ситам,
Ёр ила, вах, кеча-кундуз иттифок этди фалак.

Не ёмонлиг айлаб эрдук хаккига, оё, анинг
Мунча бизга, дўстлар, кийну нифок этди фалак.

Хаста кўнглум коми максудини вермай бйр нафас
Гирядин кўз ёшими андог булок этди фалак.

Кўйида агёри бадкирдордин, вах, найлайн,
Доимо емак насибамни таёк этди фалак.

Ёр оллига бориб Чокар нечук арзин десун,
Тешаи зулм илаким, пойин чўлок этди фалак.

* * *

Дариго, бўлмайин олам тарийки зиндагонига,
Бад ишлардин халал еткурдим айёми хавонига.

Чекиб дунёи дун изида беҳад ранж ила мехнат,
Вафо килмок йўк эркан, билмадим, дунёи фонийга.

Ўзимдин гофил айш асбобини бир умр килдим жамъ,
Ки бархам урди гардун сўнг бисоти комронига.

Бино килмок хатодур касру айвон, сўнг бўлур вайрон,
Не лозим рахт ташлаб бу махалли корвонига.

Жахоннинг шахлигига хасрат этма, эй кўнгул, тахкик
Ки шахлиг одидин йўк ўзга бу шугле шабонига.

Неким аввалда кисмат бўлса бўлмасдур зиёду кам,
Ало эй нафс, кониъ бўл казойи осмонига.

Бу гулшанда вафо йўк, шахд этиб булбул киби Чокар,
Кафасни синдиру элт ўзни боги беҳазонига.

* * *

Менга раҳм этгил, эй ёри ягона,
Ки хажринг шиддати еткурди жона.

Качон десам сенга холи харобим,
Кулок солмай, килурсен юз бахона.

Фарогат бўлмадим бир лахза гамдин,
Илохи келмагай эрдим жахона.

Вафо йўқдур жахон дилбарларида,
Анга дил берманг, эй ахли замона.

Тузуб созингни, кел базм ичра мутриб,
Ўкуб гохи газаллар ошикона.

Насими субҳ, борсанг кўйи сори,
Менга ул ёрдин еткур нишона.

Юзинг шавки кетурди фуркат ичра,
Хазин Чокарни булбулдек фигона.

* * *

Дилбарлар айлаб жилвалар хуснига хайрон килдило,
Шавкида булбулдек ишим фарёду афгон килдило.

Мухлик фироки даштида чун ўлгудек беморман,
Доруш-шифойи васлидин не анга дармон килдило.

Ёкмок учун рашк ўтига мен зору махзун багрини,
Бўса дамо-дам лаълидин гайрига эхсон килдило.

Гулдек юзини ёшуруб мушкин сочини остида,
Ёгду жахонни сарбасар кўзимга зиндон килдило.

Лутф ила бокмай бир нафас ошикларининг холига,
Хижрон каронгу шомида чашмини гирён килдило.

Зулфини печин таркатиб, ораз уза юз ноз ила,
Фуркатда Мажнундек баса холим паришон килдило.

Дилдордин айру эди чун масканим байтул-хазан,
Чокар, бу тун базмим келиб, рашки гулистон килдило.

* * *

Ул ёрима иш жафо бўлубдур,
Агёр элига вафо бўлубдур.

Юз дўндуруб ишк элидин хар дам,
Гайр ахлига ошно бўлубдур.

Зохидни насихатини тутманг-
Ким, анинг иши риё бўлубдур.

Тарк эткум они не янглиг ишкин,
Кўнглим аро меҳри жо бўлубдур.

Тўймас кўзинг ичмак ила коним,
Билмон анга не бало бўлубдур.

Кошинг киличи била саросар,
Багру юрагим яро бўлубдур.

Чокар сари бокгач олди хушин,
Кўзинг не бало каро бўлубдур.

* * *

Калтирарман совукдин ўйла камиш,
Не бало бўлди совук ушбу киш.

Сарвдек коматимни килди хам,
Ман эмас якка, барча мандек эмиш,

Бош чикормай хама ўз уйидин,
Эл аро бўлди катъ бориш-келиш.

Кору борини тарк этиб барча,
Ўт бошида исинмток бўлди иш.

Яхши бу кишда кўй гўштидин
Пишуруб есалар кабоб неча чиш.

Бир-бирова бирла гах калом этса,
Огзида тил бўлур тўнгуб чун тиш.

Ўт бошида муким ўлуб доим,
Зинхор чикмагил, Чокар, тиш.

* * *

Киш ичра оташхонада бўлгуси, вах, не хуш, олов,
Тенги насиб этса анинг ёнида гар ёгли палов.

Ул ойни хажри даштида олди мени гам лашкари,
Куршаб бори атрофими хар дам гирев айлаб чу ёв.

Вуслат кунининг ишрати ёдимга тушгач, айлагум
Фарёду афгон, кўрса гар булбул ани бўлгай соков.

Таъриф этарсизлар менга, эй ким семуз қўй гўштини,
Комимга андин хам лазиз ўлгуси, бўлса гўшти ов.

Чун ок сокол ўлдинг, келиб хушинга, эмди тоат эт,
Бу ким хазондиндур асар тушса гиёҳ узра киров.

Рахшингни сўрдинг касд этиб катлимга, эй зебо санам,
То етмагунча бошими устига, хеч чекма жилов.

Ишкинг ўтидин ёнмасун Чокар дилу жони нечук,
Ким тоб келтурмай ёнар, тушса шарор, албатта, ков.

* * *

Ноз отини ўйнатиб чобуксуворим бу кеча,
Келди кулбам сори англаб изтиробим бу кеча.

Не хуш ул бахту саодат меҳр ойини била,
Келса мумтоз эткали ишк ичра ёрим бу кеча,

Асрайолмон зор қўнглум ичра ишкин келмаса,
Махрами рози нихону ошкорим бу кеча.

Муддати нўш этмайин махмур эрурман, сокиё,
Сен бериб бир коса май, таркат хуморим бу кеча.

Ўлгон эркан не анга мониъки билмон келмади,
Ваъда айлаб эрди боргум деб нигорим бу кеча.

Булбулосо оху афгон айлагум субху масо,
Холима рахм айлагай деб гулъузорим бу кеча.

Ўйнатиб кошу кўзин нозу тагофуллар била,
Аклим олди кўймайин сабру карорим бу кеча.

Келса пинхон гайр элидин базмима ул нозанин,
Сарф этар эрдим йўлига йўку борим бу кеча.

Оразидин айлабон Чокар хижобин муртафе
Ул париму равшан эткан шоми торим бу кеча.

* * *

Жисм ичра жонни мен нетай, бу кеча жоно бўлмаса,
Илмас кўзимга хеч нима ул мохи сиймо бўлмаса.

Яксар коронгу бўлгуси кўзима бу ёруг жахон,
Базм ичра бир дам юзи хуршиди осо бўлмаса.

Хушдур базе ахбоб ила базм айламас субху масо,
Онлар дилида ёрдин ўзга таманно бўлмаса.

Мажлисга дохил айламанг ул кимсаким олам аро,
Бир гулбаданни ишкига мафтуни шайдо бўлмаса.

Чин ошик эрсанг ул киши зохид сўзига алданиб,
Ишк ахли бирла базмаро гар бода паймо бўлмаса.

Гам хайли бошимдин мени, вах, не сифат бўлгуси рафъ,
Базм ичра май бермакка бир мохи дилоро бўлмаса.

Йўл бермади васл ичра, эй Чокар, неча жахд айладим,
Яхши эди гар дахр аро агёр пайдо бўлмаса.

* * *

Ул пари хажридадурман зору хайрон, эй табиб,
Не бўлур килсанг мени дардимга дармон, эй табиб.

Тинмайин ул ой висолига туну кун кўзларим,
Фуркат ичра тўккуси ёш ўрнига кон, эй табиб.

Бир замон мехри вафо расмини бунёд айлабон,
Холи зорим сўрса колмас эрди армон, эй табиб.

Шўхларда йўкдурур ишк ахлига рахм айламак,
Кимки рахм айлар деса, албатта, ёлгон, эй табиб.

Истабон ул ой висолин кеча-кундуз дахр аро,
Айларам булбул каби фарёду афгон, эй табиб.

Хажр водиси аро ўлмакка етдим, охким,
Лутф этиб келмас эса кулбамга жоно, эй табиб.

Хар замон юз минг туман жавру жафо изхор этиб,
Айлаган каддин дуто Чокарни хижрон, эй табиб.

* * *

Килмас тараххум холима, вах найлайн, ул гунча лаб,
Кун-кундин афзун айлабон мен хастага кахру газаб.

Лайливашимни ишкида, эй дўстлар, олам аро—
Колса, ажаб эрмас, агар мен телбага мажнун лакаб..

Ушшок элига, зохида, килгунг насихат дам-бадам,
Ўргангин онлардин келиб сен доги панд ила адаб.

Жонбахш лаъли бергуси ўлган танимга тоза жон,
Гар кўзларидин бир киё эрса мамотимга сабаб.

Хижрон каро шомии аро айлаб фиғону нолалар,
Бу зори махзун килгуси базми висолингни талаб.

Килсам тазарруъ хар неча бокмас даме ахволима,
Бўлмиш азалда кисматим чекмак баса ранжу тааб.

Захри фирокин нўш этиб юргум дамодам, Чокаро,
Базми васлида ичар агёр эли жоми тараб.

* * *

Нигорим бўлголи оламда пайдо,
Бўлубман хуснига мафтуну шайдо.

Жафо чекмак ишимиздур туну кун,
Килиб беҳуда ёр ишкин таманно.

Басе лаб ташнаман, килсанг лабингдин—
На бўлгай мен хазинга бўса эъто.

Юз очиб, кил каро кулбамни равшан,
Вафо расми била, эй мох сиймо.

Танимдин жоними олмокка, эй гул,
Эрур киприкларивг ўк, кошларинг ё.

Ракиб ахлига раҳм этма, кул ўлди.
Ёниб рашк ўтига жисмим саропо.

Фирокинг даштида ўлгуси Чокар,
Карам килмас эсанг холига, жоно.

* * *

Кўзларингни кофирига кофиристон бандадур,

Лаъли жонбахшинг сўзига шаккаристон бандадур.

Оразингни ламъасига, эй парилар сарвари,
Дахрга берган зиё хуршиди рахшон бандадур.

Махвашим лаълига хар дам тинглангиз, ахбобким,
Юз туман тортиб хижолат оби хайвон бандадур.

Бошида бўлгон паришон кокули мушкинига,
Дахр боги ичра яксар сумбулистон бандадур.

Бўйла наккоши азал халк айлаган рухсорингга,
Касри жаннат ичра бўлгон хуру гилмон бандадур.

Чокаро, субху масо килгон фиғону нолангга,
Мунфаиллигдин бари кумрии нолон бандадур.

* * *

Сокиё, тутгил менга мажлисда жон оро кадах,
Токи махмуридин этди волау шайдо кадах.

Хар замон мен телбага юзлангуси кўп дарду гам,
Бўлмаса гар базм ичида ўйлаким хамто кадах.

Не килай мен зори махзун ёрни, эй дўстлар,
Махфил ичра бўлмасатоки сипехр осо кадах.

Ичмагумдир ўзгадин харгиз мани махзунким,
Дайр аро гар бўлмаса, ул дилбари тарсо, кадах.

Манъ килма бу жунун ичра мениким, зохида,
Жоними олгусидур маъшук охир ё кадах.

Фуркат ичра колмишам, на бўлгуси, эй мугбача.
Рахм этиб мен хастага, берсанг даме аъло кадах.

Чокаро, тинмай бу ёнглиг оху фарёд айлама,
Килгуси охир сени дахр ахлига расво кадах.

* * *

Жахонда яшай олмас ҳеч миллат илму урфонсиз,
Анингдекким туралмас ҳаётда жисм ила жонсиз.

Маорифдур жаҳолат дардининг дармони, фахм айланг,
Фанолик ётгонидур бўлса ҳар бир дард дармонсиз.

Илмсиз кимса бойларга бўлуб кул, ўткарур умрин,
Илм ахли кишига бўлмагай мухтож ҳам нонсиз.

Биза бўйла эзилмок кайгу гамлар жаҳлимиздандур,
Ўкусак илм олур эрдук, биз ҳам оламда армонсиз.

Нега бизда эмас мактаб, товонгар ахли рохатда,
Олар хохиш илмдин бизга кайгу юзланиб сонсиз.

Беринг фарзандингиз мактабга, Чокарни сўзин тинглаб,
Жахонда яшай олмас хеч миллат илму урфонсиз.

МУХАММАСЛАР

Навоий газалига мухаммас

Бихамдиллах, мени ошик каторидин хисоб айлаб,
Ёрутмоқга кўзум рухсоридин рафъи никоб айлаб,
Кўнгулда не эса комим берурга иртикоб айлаб,
Тун акшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб.
Хироми суръатидин гул юза хайдин гулоб айлаб.

Олуб сабру карорим нозир ўлгач кўзга ул дилбар,
Куёшосо юзи шавкида килди заррадек музтар.
Сабохат авжида эрди узори чун махи анвар,
Килиб мужгонни шабравлар киби жон касдига ханжар,
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.

Олиб буркаъ узоридин, юз очиб базмима кирди,
Мани ишк ахлидин сийлаб мухаббат силкига терди,
Муродим рўзу шаб, юз шукур, онинг вуслати эрди,
Кулуб ўлтурдию илгим чекиб, ёнида ер берди,
Такаллум бошлади, хар лафзини дурри хушоб айлаб.

Манга хижрон аро бўлгон эди байтул-хазан маскан,
Кўзумга тийра эрди сарбасар бу олами равшан,
Деди сўргач бу холим лутф ила ул орази гулшан,
«Ки эй зори болокаш ошиким, менсиз нечуктурсан?»

Мен ўлдум лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.

Хуморим фахм этиб хижрони ичра ул пари билди,
Аён айлаб вафо расмини бу дам, кўзига илди,
Куёш осо хиром айлаб чу каршу ёнима келди,
Чикарди шишаи май доги бир согар тўла куйди,
Ичиб тутди менга юз навъ ноз осо итоб айлаб.

Деди, эй зор, килмасман сени бирдам йирок кўздин,
Бериб васл ичра сансиз бўсалар лаъли лабу юздин,
Манга хосил бўлуб айши тараб бехад хамул юздин
Ичиб, фарёд этиб туштум аёкига, боруб ўздин,
Мени йўк бодаким, лутфи анинг масти хароб айлаб.

Бўлуб васли муяссар, Чокаро, ул ёрни ботрок,
Тараб жомини доги базм аро нўш айлаб ўлтурмок,
Гахи ўздин кетиб бехуд тушуб ер узра чун туфрок,
Аниким элткай васл уйкуси ишрат туни мундок,
Навоийдек нетар то субхи махшар тарки хоб айлаб.

Навоий газалига мухаммас

Фарк килмаслар шариат йўлини гумрохлар,
Айлабон журму гунах тинмай куну бегохлар,
Тутмас хеч парво алардин зухду тоатхохлар,
Улки солгай шуъла аъзосига ўтлуг охлар,
Кайда билгай куймакин зарбафт кийган шохлар.

Токи ошик бўлмаин ошикни кўзга илмагай,
Дилбарини кўйида мажнун мисоли елмагай.
Гах-гахи лайливашим чашмини ашкин селмагай,
Багридин кон томгучи ушшок захмин билмагай,
Тигидин кон томгучи берахм олий жохлар.

Бидъат ишлардин тун-кун айладим пархезким,
Восил ўлгайман дебон васлига ёрим тезким,
Чун ул ой хажрида чекдим гам халокангизким,
Шиддатин Фарход килгай фахм, йўк Парвезким
Дардни хокийлар англа, йўк фалак даргохлар.

Оз колибдур зиндалик паймонаси вахм тўлгали,
Етди чун умрим гули гам сарсаридин сўлгали
Зор жисмимдин ётиб хажр ичра жон айрилгали,
Жону кўнглум кирдилар гам даштига гум бўлгали,
Ман ҳам эттим азм, чун азм эттилар хамрохлар.

Фокаларга агниёлар килмай ихсон ўлтурур,
Кайда ихсон, балки жавр айлаб фаровон ўлтурур,
Нечани кашшоклик бирла гами нон ўлтурур,
Бўлсалар огаҳки, бир гамгинни хижрон ўлтурур,
Фикр этар холига хижрон дардидин огохлар.

Ёр хижронида тинмай нолаи охим недур,
Гайр элидин васлига етмоқда кўтохим недур,
Андин айру дарду меҳнат унсу хамрохим недур,
Вах, не билгай хажр занжирида дилхохим недур,
Халка ургон базм айши даврида дилхохлар.

Хусн элига фуркат ичра мубталолар фикри йўк,
Хам расо ахлига, Чокар, норасолар фикри йўк,
Порсоу зуҳд элига ашкиёлар фикри йўк,
Эй Навоий, шохларга чун гадони фикри йўк,
Айлагил сен тенгри даргохига шайъанлиллохлар.